

ШАРТНОМА № 39353

2022 й. «24» 8

616-11-161-OB/2022-

сон

Минан ш.

Умурзоқ ота орзуси ОК бундан буён матнда «Маҳсулот етказиб берувчи» деб аталади корхона номидан раҳбари М.Умирзоқов бир томондан бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи Ўзбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси номидан амалдаги Низом асосида фаолиятни амалга оширувчи раҳбар Ф Муратов иккинчи томондан ушбу шартномани қуйдагилар тўғрисида туздилар.

2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» буюртмачига мазкур шартнома шартлари асосида қуйидаги миқдор ва қийматларда маҳсулотларни сотади. «Буюртмачи» эса маҳсулотни ҳақини шартнома шартлари ва муддатлари асосида тўлаб, қабул қилиб олади.

т.р.	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	петуня	дона	10000	1500	15 000 000

2. ҲИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1 Маҳсулот учун тўлов мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Буюртмачи» томонидан олдиндан 30% миқдорида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

2.2 «Буюртмачи» томонидан шартнома умумий суммасининг 70% тўлови «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан маҳсулот (иш ва хизматлар) етказиб берилгандан ва ҳисоб-фактуралар тақдим қилингандан кейин амалга оширилади.

2.3 Маҳсулотни топшириш вақтида нарх ўзгарса, «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи» огоҳлантирилади ва уни розилигини олади.

2.4 Қабул қилиб олинган маҳсулотларнинг тўлов муддати 15 иш кунда амалга оширилади.

2.5 Томонлар ўртасида ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1 Етказдириб бериладиган товар ёки маҳсулотларларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати) ва «Буюртмачи»нинг талабларига мос келиши шарт.

3.2 «Маҳсулот етказиб берувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг маҳсулотни 5 иш кун ичида «Буюртмачи» га етказдириб бериши шарт.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Ушбу шартномадаги шартлар асосида маҳсулот ва унга тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га топширади.

4.2 «Буюртмачи»га берилиши лозим бўлган маҳсулотни ва давлат стандартларига жавоб беришини қайта текширувдан ўтказди.

4.3 «Буюртмачи»га маҳсулот топширилгандан сўнг уни сақлаш ва қандай ҳолда ишлатиш каби ҳолатларга жавобгарликдан мустаснодир.

4.4 «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, маҳсулотни сони, сифатига қараб ўз вақтида қабул қилиб олиш.

4.4 Тегишли даражада сифатли бўлмаган ҳолда маҳсулот келиб тушганлиги аниқланганда, далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 иш куни ичида «Маҳсулот етказиб берувчи»ни огоҳлантириш.

5. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

5.1. Мазкур шартлар тарафлар, уларнинг каффилланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очик ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупсиявий фаолиятга аралashi хатарларини минималлаштиришга, шунингдек тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

5.2. Тарафлар мазкур шартларга риоя қилиш ҳамда мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи ўз каффилланган шахслари ва ишчилари томонидан риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек мазкур шартларнинг амалда бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда бир бирига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

5.3. Тарафлар мазкур шартномани бажаришда қўйидаги ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек ўз каффилланган шахслари ва ишчилари ушбу ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади: мансабдор шахслар, мансабдор шахсларнинг қариндошлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўрсатилган шахслар, ёхуд давлатга бирон тарзда алоқадор шахсларга тарафлар, мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи уларнинг каффилланган шахслари ва ишчилари учун ноқонуний равишда устунликларга эга бўлиш мақсадида пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.- рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир қафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва ҳ.) таъминлаш мақсадида бошқа тараф ишчиларига, унинг аффилланган шахсларига пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ. коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга хилоф ва гайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

5.4. Агар тарафда коррупсиявий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки содир этилиши мумкинлиги ҳақида гумонлари пайдо бўлса, тегишли тараф бошқа тарафни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади ва тегишли ҳуқуқбузарлик содир

бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги ҳақида бошқа тарафнинг тасдиқномасини олгунга қадар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари ижросини тўхтатиб туришга ҳақли. Тасдиқнома ёзма хабарнома олинган санадан 10 (ўн) банк иш куни давомида юборилиши лозим.

5.5. Бир тараф коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда ёки бошқа тараф ҳуқуқбузарлик содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақида ўрнатилган муддатда тасдиқнома олмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф, шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК

6.1 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганда, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2 Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Буюртмачи» томонидан «Маҳсулот етказиб берувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизини, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1 Томонлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилилла, қурғокчилик, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар) Форс мажор туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа жавобгар бўлмайди.

8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1 Ушбу шартнома ҳар иккала томонлар томонидан имзоланган ва ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний кучга киради. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 (икки) нусxada тузилади ва ҳар иккала томонга бир нусхадан берилади.

8.2. Ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди.

8.3. Имзоланган шартнома «31» декабрь 2022 йилгача амалда қилади.

8.4. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай низолар тарафлар келишуви билан ҳал этилмаса, судлар томонидан кўриб чиқилади.

«МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Умурзоқ ота орзуси ОК

Манзил: Фарғона вилояти Бешарик ш.

ш/хр: _____

Х/р: 20208000505308973001

«БУЮРТМАЧИ»


Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: А Навоий кучаси № 29уй

ш/хр100022860302307065200110001

Х/р:23402000300100001010 инн 200189280

Банк: АТ Алоқабанк Қўҳон филиали
ИНН: 307938685. ~~01090~~: 00401.
Тел: ~~99899~~ 919-90-95



Рахбар: М. Умурзоқов

Банк: Марказий банк Тошкент ХККМ
ИНН: 201122919 МФО 00014
Тел: _____



Рахбар: В. П. Муратов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI

O'ZBEKISTON TUMANI ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151000 O'zbekiston tumani Farg'ona viloyati, Zhetysay ko'chasi

Telefon: 030271529-1530, elektron pochta: adlik@onk.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaturi : Shartnoma.

2. Loyihaning nomi : Mahsulot yetkazib berish shartnomasi.

3. Loyihani ishlab chiqqan tashkilot : O'zbekiston tumani Obodonlashtirish boshqarmasi.

4. Loyihani yuzasidan ma'lumot :

O'zbekiston tumani Obodonlashtirish boshqarmasi va "UMIRZOO OTA ORZUSI" oliyiy korxonasi o'rtasida har bir narxi 1.500 dona 10.000 dona jami summasi 15.000.000 (o'n besh million) so'm bo'lgan "Beriyona" mahsulotlari yetkazib berish shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurttovchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkili etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiryotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi Fiqarolik kodeksining 41-moddasiga ko'ra, yuridik shaxs o'zining ta'sis hujjatlarida nazarda tutilgan faoliyati maqsadlariga muvofiq fiqarolik huquq hayotidagi ega bo'ladi.

Yuridik shaxsning huquq hayoti u tuzilgan paytdan boshlab vujudga keladi va uni tugatish yakunlangan paytdan e'tiboran tugatiladi.

Fiqarolik kodeksining 44-moddasi birinchi qismiga muvofiq yuridik shaxs qonunchilikda belgilangan tartibda davlat ro'yxatidan o'tkazilishi lozim. Davlat ro'yxatidan o'tkazish haqidagi ma'lumotlar barchaning tanishib chiqishi uchun ochiq bo'lgan yuridik shaxslarning yagona davlat reyestriga kiritiladi.

O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasining www.stat.uz rasmiy veb-saytidan olingan ma'lumotga asosan "UMIRZOO OTA ORZUSI" oliyiy korxonasi 2020-yil 25-noyabrda davlat xizmatlari markazidan 918247-raqamli bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurttovchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati,

assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyini, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida nazkur Qonun talablariga amal qilingan holda nazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fiqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolaniishi lozim.


Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RIQ-684-sonli Qonunning 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining natijaga pul hodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;
tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh mingga baravargacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravargacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 61-moddasi yettinchi qismiga muvofiq summasi bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining eilik haravari miqdordan oshmaydigan (budget buyurtmachilari uchun bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh haravari miqdoridan oshmaydigan) tanlash xarid komissiyasining ishtiroksiz o'tkazilishi mumkin, biroq bir molya yilda bir korporativ buyurtmachi uchun bazaviy hisoblash miqdorining bir ming baravari miqdordagi summadan ko'p bo'lmashi va bir molya yilda bir budget buyurtmachisi uchun bazaviy hisoblash miqdorining besh yuz baravari miqdoridan oshmasligi kerak. Bunda g'olib davlat buyurtmachisi tomonidan tanlash o'tkazilishi to'g'risidagi e'lonni joylashtirmasdan, ochiq axborot manbalaridan olingan narxlarini solishtirish yo'li bilan yoki tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) potensial yetkazib beruvchilardan narxlarini so'rash yo'li bilan aniqlanadi. Rasmiylashtirilgan hujjatlar, tuzilgan shartnomalar va ularga doir qo'shimcha kelishuvlar to'g'risidagi axborot ular rasmiylashtirilgan yoki tuzilgan sanadan e'tiboran uch ish kunidan kechiktiray davlat buyurtmachisi tomonidan maxsus axborot portalida joylashtiriladi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Obodonlashtirish boshqarmasining xarid komissiyasining 2022-yil 18-avgustdagi bayonnomasiga asosan "UMIRZOO

“Тасдиқлама”
Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошкармаси
бошлиғи:  Ф Муратов

(имзо)

Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошкармасига 2022-йил харажатлар сметасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш ҳамда товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида танлов савдоларини ўтказиш ишчи гуруҳининг

Йиғилиш баёни №12

29.08.2022 й

Ўзбекистон тумани

Йиғилишда ишчи гуруҳининг қуйидаги аъзолари катнашдилар:

Раислик қилувчи :

Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш
бошкармаси бошлиғи

Аъзолари :
Мухандис Ш Камолов

Техника Хавфсизлиги назоратчиси Ш Камолов
Участка бригадери М Хамрокулов

Хужалик мудирини С Алимов

Йиғилиш кун тартибида қўриладиган масала:

Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошкармасига қарашли Фуқаролар ташаббусли жамғармаси ҳисобидан 11.08.2022 йилда etender.uzex.uz дастурида [22110012136079](https://etender.uzex.uz/lot/22110012136079) сонли лот орқали жами 15 180 000 сўмлик мавсумий гул сотиб олиш учун жойлаштирилган.

Йиғилиш қарори:

Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ 684 сонли қонунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибда

Таклифларни такқослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ҳолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада ақс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ҳолибининг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ҳолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш қуни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар қелиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин қелиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди.



танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.




Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг муҳокама даврида шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли "Умурзоқ ота Орзуси ОК" билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи :
Аъзолари :

 М Хамроқулов
 С Алимов

 Ф Муратов
 Ш Камолов
 Ш Камолов